

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

## ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

### Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### Махсус иқтисодий зоналарнинг фаолият кўрсатиш тартиби белгиланди

17.02.2020 йилдаги «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги ЎРҚ-604-сон Қонун эълон қилинди.

Амалдаги «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонундан фарқли ўлароқ, қабул қилинган ҳужжат:

**биринчидан**, анча ҳажмли ва ўзининг тузилмаси билан фарқ қилади – 11 боб ва 48 моддадан иборат (амалдагиси – 3 боб, 28 моддадан иборат), тушунча аппарати билан таъминланган, ушбу соҳада давлат бошқаруви органлари ваколатини белгилайди;

**иккинчидан**, махсус иқтисодий зоналарнинг қуйидаги таснифини назарда тутди:

➤ **эркин иқтисодий зона (ЭИЗ)** – янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий рақобатбардор, импорт ўрнини босувчи, экспортга йўналтирилган тайёр sanoat маҳсулотини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга фаол жалб этиш, шунингдек ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт, ижтимоий инфратузилмани ва логистика хизматларини ривожлантиришни таъминлаш мақсадларида ташкил этиладиган ҳудуд;

➤ **махсус илмий-технологик зона** – инновация инфратузилмасини ривожлантириш мақсадларида илмий ташкилотлар ва илмий фаолият соҳасидаги бошқа ташкилотлар (технологик парклар, технологияларни тарқатиш (технологиялар трансфери) марказлари, инновацион кластерлар, венчур фондлари, бизнес-инкубаторлар ва бошқалар) тўпланган ҳудуд;

➤ **туристик-рекреацион зона** – унда замонавий туристик инфратузилма объектларини (меҳмонхона комплекслари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва бошқа туристик аҳамиятдаги объектларини), махсус фаолият кўрсатувчи ва мавсумий рекреацион дам олиш зоналарини туристларга хизмат кўрсатиш мақсадида зарур шарт-шароитларни таъминлаган ҳолда барпо этишга доир инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ташкил этиладиган ҳудуд;

➤ **эркин савдо зоналари** – консигнация оморлари, махсус божхона ва солиқ режимлари бўлган ҳу-

дудлар, шунингдек товарларга ишлов бериш, уларни ўраб-жойлаш, саралаш, сақлаш учун майдончалар, чегара пунктларида, аэропортларда, темир йўл боғланмаларида ёки бошқа божхона ҳудудларида ташкил этилади;

➤ **махсус sanoat зонаси** – бошқарув, ҳўжалик ва молиявий фаолиятнинг алоҳида режими жорий этиладиган ҳудуд, зарур маъмурий, илмий-технологик, ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани барпо этиш учун ер участкаларини ажратиш орқали шакллантириладиган хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш зоналарини ўз ичига олади;

**учинчидан**, махсус иқтисодий зонани ташкил этиш, унинг фаолият кўрсатиш муддатини узайтириш, чегараларини ўзгартириш ва уни тугатиш тартиби, шунингдек бошқариш масалалари (маъмурий кенгашнинг фаолият кўрсатиши) батафсил баён этилган;

**тўртинчидан**, ушбу зоналар ҳудудида амалга ошириш тақлиф этиладиган инвестиция лойиҳаларига талабларни ўз ичига олган. Улар умумий ва алоҳида талабларга бўлинади – ҳар бир зона тури учун алоҳида. Махсус иқтисодий зоналар ҳудудида фаолиятнинг айрим турларини амалга ошириш тақиқланади. Масалан, қурол ва ўқ-дорилар, ядровий материаллар ва радиоактив моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва ҳоказо. Шунингдек, Қонунда инвестиция буюртманомасини бериш ва кўриб чиқиш, инвестиция битимини тузиш, муддатини узайтириш ва тугатиш жараёни белгиланган.

**бешинчидан**, Қонуннинг алоҳида боби махсус иқтисодий зоналар иштирокчиларига бағишланган – уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, улар томонидан мақомни олиш, йўқотиш ва маҳрум қилиш айтиб ўтилган.

**олтинчидан**, ҳуқуқий режим, хусусан, зоналар иштирокчилари учун солиқ ва божхона имтиёзлари хусусиятлари ёзилган. Солиқлар бўйича имтиёзлар ва уларни қўллаш тартиби Солиқ кодексига назарда



тутилган. Шунингдек, улар қуйидагилар учун божхона тўловларини тўлашдан озод этилади:

➤ мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган ва инвестиция битимига мувофиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қурилиш даврида белгиланган тартибда олиб кирилган қурилиш материаллари учун божхона тўловларини (бундан ҚҚС ва божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно);

➤ тасдиқланган рўйхат бўйича технологик ускуналарнинг ўхшаши бизда ишлаб чиқарилмайдиганини олиб киришда (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно);

➤ ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни экспортга реализация қилиш учун фойдаланадиган хом ашё, материаллар ва бутловчи қисмлар олиб кирилганда (бундан божхона расмийлаштируви учун йиғимлар мустасно).

Бундан ташқари, МИЗ иштирокчилари товарларни импорт қилганда ҚҚСни 120 кунгача муддатга кечиктириб тўлашга ҳақли. Ҳисобланган солиқ суммасидан ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммасининг ошириб кетиши натижасида ҳосил бўлган ҚҚСнинг ўрни уларга 7 кун давомида соддалаштирилган тартибда қўллаб берилади. Тўланган ҚҚС суммаси МИЗ иштирокчиларига республика бюджетидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланмайдиган тартибда қўллаб берилади.

Бунда қонун кучга киргунга қадар ЭИЗлар дирекциялари томонидан рўйхатга олинган ЭИЗлар иштирокчилари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёз ва преференциялар улар тақдим этилган муддат ўтгунига қадар сақлаб қолинади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) 17.02.2020 йилда расман эълон қилинган ва 19.05.2020 йилдан кучга киради.**

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

### Фуқаролар йиғинининг янги комплекси – ҳар бир маҳаллада

Улар намунавий лойиҳаларга мувофиқ ДХШ шартларида танлов савдоларини ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида жалб қилинган инвесторлар иштирокида қурилади, уларга зарур ер участкалари ажратилади (18.02.2020 йилдаги ПҚ-4602-сон қарор).

Тартиб 2020 йилнинг 1 июлига қадар «Маҳалла маркази» мажмуалари қурилиши (реконструкция қилиниши, таъмирланиши) тугалланиши ва уларда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ҳудудий бўлими, шунингдек «Маҳалла» хайрия жамоат фонди жойлаштирилиши лозим бўлган Қо-

рақалпоғистон, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ер участкаларини танлаб олиш маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан вазирлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Ҳар бир комплекс ДХШ тўғрисидаги келишувда қатъий белгиланган муддатларда туташ ҳудуд обод қилинган ҳолда қурилиши керак. Бунда, қуриш муддати ва тақлиф этилаётган капитал қўйилмалар ва инвестициялар суммаси – инвесторларни танлаб олишнинг асосий мезонлари.

Қурилиш тугалланган комплекслардан кейинчалик фойдаланиш тартиби ДХШ тўғрисидаги келишув

билан белгиланади. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фойдаланилмаётган хоналарни мустақил равишда ижарага бериш ва келиб тушаётган маблағларни ўзларининг ҳисобварақларига ўтказиш ҳамда улардан фаядат комплексларни сақлаш ва ободонлаштириш харажатларини қўллаш учун сарфлашга ҳақлидир.

Инвесторнинг ташаббуси бўйича келишув бекор қилинганда, унинг қурилишга сарфлаган харажатлари қўпланмайди, қурилиш тугалланмаган объект давлат мулкига ўтказилади ва бошқа инвесторлар қидирилади.

Қўшимча рабатлантириши сифатида

2-бетда

Ушбу сонда:

3-6-БЕТЛАР

Яқинда пенсияга чиқаман...

7-БЕТ

Иш вақтидан ташқари ишда қанча ишлаш мумкин?

8-БЕТ

Лицензиясиз улгуржи савдо қила оламани?

## Фуқаролар йиғинининг янги комплекси – ҳар бир маҳаллада

**1-бетда** инвесторларга тижорий мақсадлар учун қурилишга ажратилган комплекслардан кичик бўлмаган майдонга эга бўлган комплексларга туташ объектлар ажратилади. Шарти – уларнинг фаолият кўрсатиши фуқаролар йиғинларининг иши учун нуқулликлар яратмаслиги керак. Инвесторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ушбу объектларда амалга оширилиши мумкин бўлган бизнеснинг фаолият турлари ва йўналишлари, шунингдек, ДХШнинг бошқа шартлари инвестор ва ҳокимлик ўртасида тузиладиган келишувларда акс эттирилади.

Бундай объектни қуриб битказгандан кейин, инвестор у фойдаланишга топширилган санадан бошлаб 3 йил мобайнида қуйдаги солиқларни 50%га камайтирилган ставкада тўлайди:

➤ ер солиғи ва мол-мулк солиғи – тақдим этилган ер участкаси ва унда қурилган кўчмас мулк қисмида;

➤ фойда солиғи, айланмадан олинadиган солиқ – мазкур объектларда амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган фойда ёки жами даромад қисмида.

Фуқаролар йиғинларига ижтимоий дастурлар дои-

расида кредитлар бериш бошланади, масалан, «Ҳар бир оила – тадбиркор», «Yoshlar – kelajagimiz» ва «Хунармандчиликни ривожлантириш дастури». Шу тўғрисида улар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустақамлаш ва аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги имкониятларини кенгайтириш учун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин бўлади.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 19.02.2020 йилдан кучга кирди.**

## Металл прокати сертификатлаштирилган бўлиши керак

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 февралдаги 89-сон қарори билан қурилиш учун мўлжалланган металл прокати ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва сифатли металл прокати қўллаш чора-тадбирлари белгиланди.

2019 йилнинг декабрь ойида Ҳукумат қурилиш учун мўлжалланган металл прокати сифати ва хавфсизлиги тўғрисида ҳужжат қабул қилган. У бир қатор чора-тадбирларни ўз ичига олган, улар орасида – идоралараро ишчи гуруҳлар томонидан металл прокати ишлаб чиқариладиган корхоналар фаолиятини ўрганиш ҳам бор.

117 та шундай корхонада ўтказилган ишлаб чиқариш жараёнининг таҳлили тайёр маҳсулот ва бевосита ишлаб чиқариш жараёни хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи камчиликлар мавжудлигини кўрсатди. Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди, унга кўра 2020 йил 1 июндан бошлаб:

а) сотилаётган ва ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган металл прокати ҳар бир тўпига ишлаб чиқарувчи (импорт қилувчи) томонидан синовларнинг ижобий натижалари асосида расмийлаштириладиган сифат тўғрисидаги ҳужжат илова қилиниши керак. Ишлаб чиқарувчида ишлаб чиқариш лабораториялари мавжуд бўлмаган тақдирда, у бошқа синов лабораторияларига, шу жумладан, тузилган шартномалар асосида мурожаат қилиши мумкин;

б) мажбурий сертификатлаштирилиши лозим бўлган маҳсулотлар турлари (ҳам импорт қилинган, ҳам маҳаллий ишлаб чиқарилган) рўйхатига қуйдагилар киритилади:

➤ прокатка, штамповка, кесил усули билан легирилмаган пўлатдан тайёрланган, икки томонлама рух-

ли қопламали томбоп металл черепица (гофрланган) ва листли рухланган пўлат прокатдан тайёрланган томбоп элементлар (фурнитура, аксессуарлар, ясси прокатдан тайёрланган том учун бутловчилар) (ТИФ ТН коди: 7308 90 590 0);

➤ изоляцияловчи тўлдирувчи гофрланган (қовурғасимон) листдан тайёрланган икки деворли панеллар ва деворбоп ва томбоп сандвич-панеллар) (ТИФ ТН коди: 7308 90 510 0);

*1 апрелгача бўлган муддатда сифати техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлган металл прокати ва қурилиш учун мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ташкилотлар реестри шакллантирилади ва эълон қилинади. Реестр ҳар йили янгиланади.*

в) Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар ҳузуридаги марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига молиялаштириладиган объектларни қуриш, реконструкция қилиш, мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи хизматлари қурилиш учун мўлжалланган металл маҳсулотлари харид қилиниши ва қўлланилиши учун жавоб берадилар;

Олег Заманов, «Norma» МЧЖ эксперти.

## Қурилишда намунавий тендер ҳужжатлари қўлланилади

Ҳукумат томонидан ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича тендер (тендер)ни жадал ўтказиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинди (ВМнинг 18.02.2020 йилдаги 91-сон қарори).

**Эслатиб ўтамиз,** Президент йилнинг бошида 2020-2022 йилларда республиканинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини тасдиқлади (10.01.2020 йилдаги ПҚ-4565-сон қарор – Дастур). У мактаблар, ОТМ, МТМ, тиббиёт муассасалари, автомобиль йўллари, кўприклар ва ҳоказоларни қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш бўйича манзилли дастурларни ўз ичига олади.

2020 йилда ишлар фақат қуйдаги ҳолларда бюджет тизими бюджетлари ҳисобига бажарилади:

➤ агар пудрат (лойиҳа) ташкилотлари танлов (тендер) ўтказиш йўли билан танлаб олинса, «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонун, Президент ва Ҳукумат ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

➤ агар лойиҳа ҳужжатлари мавжуд бўлса ёки уни тайёрлаш қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтда, яъни параллел лойиҳалаш билан амалга оширилса.

Қабул қилинган ҳужжат билан улар асосида 2020 йилда Дастурга киритилган ишлар бўйича танлов (тендер) эксперимент тартибида ташкил қилинадиган ва ўтказиладиган намунавий ҳужжатлар шакллари тасдиқланди. Улар орасида: ҳар бир танлов иштирокчиси, уларнинг молиявий кўрсаткичлари, ҳодимларнинг рўйхатдаги ўртача сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси, қурилиш ишларини бажариш графиклари, уларни молиялаштириш тўғрисидаги маълумотлар шакллари ва бошқа ҳужжатлар.

Шу тариқа, истисно тариқасида, 2020 йил учун тасдиқланган лойиҳаолди ва (ёки) лойиҳа ҳужжатлари асосида танлов (тендер) ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказмасдан, намунавий ҳужжатлар талаблари доирасида тайёрлашга ва тасдиқлашга рухсат берилди.

Лойиҳа ташаббускорлари давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида танлов (тендер) ўтказилиши тўғрисидаги эълон ва танлов (тендер) ҳужжатлари тўлиқ жойлаштирилиши учун масъулдир. Тендер иштирокчилари эса тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун жавоб беради.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 19.02.2020 йилдан кучга кирди.**

Ленара Хикматова, «Norma» МЧЖ эксперти.

### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
1-2-бетлар

### • ПЕНСИЯ ИШИ

– Иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўғрисида  
– Имтиёзли пенсия: аттестация, махсус стаж ва иш кўни давомийлиги нормаси  
– Пенсия олинмай қолганда

– Пенсия ёки нафақа  
– Стажни тасдиқлаш  
– Имтиёзли пенсияга бўлган ҳуқуқ  
– Бадаллар тўланган, иш ҳақи олинган  
– Нафақа ва кредитга имтиёзлар  
– Хорижда тўпланган стаж  
– Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам таъинлаш ва тўлаш тартиби

– Жамғарма бирийўла, лекин камроқ тўланади  
– Пенсиялар сони камайди  
3-6-бетлар

### • КАДРЛАР БЎЛИМИ

– Томонлар келишувига кўра ҳам мумкин эмас  
– Тўлиқ бўлиши учун  
– Уридошликдан – асосий ишга

– Меҳнат шартномаси тўғри тузилмаган  
7-бет

### • ЮРИДИК МАСЛАҲАТЛАР

– Давлат реестрида рўйхатдан ўтиш керак  
– Лицензия керак эмас  
– 12 йил ўтгач...  
– Товари қандай қайтариш мумкин  
8-бет

# ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон\*

Пенсияга чиқишдан олдин ҳар бир ходим стажини, иш ҳақини ва бўлғуси пенсия тўлови суммасини олдиндан ҳисоб-китоб қилиб кўради.

Мазкур сондаги саволларга жавоблар пенсионер бўлишга тайёргарлик кўраётганлар ҳамда зарур ҳужжатларни расмийлаштириш билан шуғулланаётганлар учун фойдали бўлади, албатта.

## Илк манбадан

## Иш ҳақи, пенсия ва нафақалар тўғрисида

Ўзбекистонда иш ҳақи ва пенсиялар миқдорлари инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида маълум қилди.

– Йил давомида бюджет тизими ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори инфляция даражасидан юқори миқдорда оширилади, – деди давлатимиз раҳбари.

Мурожаатномада таъкидланишича, ижтимоий нафақа тўлашнинг мукаммал тизимини жорий этиш, жумладан, кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатиш қамровини кенгайтириш, бюджет маб-

лағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш зарур.

– Шу билан бирга нафақа тайинлашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш ва уларни белгилашда очик ва адолатли тизим яратиш, бу борада маҳалланинг иштирокини танқидий қайта кўриб чиқиш лозим. Умуман олганда, аҳоли ижтимоий нафақа бўйича битта идорага мурожаат қилганидан кейин ўша идоранинг ўзи бир

## БУГУНГИ СОНДА:

**ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ:  
АТТЕСТАЦИЯ,  
МАХСУС СТАЖ  
ВА ИШ КУНИ  
ДАВОМИЙЛИГИ  
НОРМАСИ**

*Тиббиёт  
ходимларига  
эслатма*

2

**СТАЖНИ  
ТАСДИҚЛАШ  
Нотўғри ёзув  
қандай тузатилади**

4

**БАДАЛЛАР  
ТЎЛАНГАНДА,  
ИШ ҲАҚИ  
ОЛИНГАНДА**

*Стажга қўшилади*

5

**НАФАҚА ВА  
КРЕДИТГА  
ИМТИЁЗЛАР**

*Оиланинг  
болалиқдан  
ногирон аъзоси  
бўлса*

6

## Маълумот учун!

2020 йил 1 февралдан бошлаб республика ҳудудида: ёшга доир энг кам пенсия – ойига 466 680 сўм; болалиқдан ногиронларга нафақа – ойига 466 680 сўм; етарли стажга эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақаларнинг энг кам миқдори – ойига 286 390 сўмни ташкил этади.

Мавзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

кунда ҳамма ҳужжатларни тайёрлаб, масаланинг ечимини топиши керак, – деди Президент.

Шавкат Мирзиёев фуқароларимиз пенсияга чиқиши учун фақат паспорти билан бориб, мурожаат қилиши кифоя бўладиган тизим яратилишини маълум қилди.

– Бунинг учун, биринчи навбатда, давлат архиви тизими

электрон шаклга ўтказилиши керак, – деди Президентимиз.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йилда йиллик инфляциянинг базавий прогнози 12-13,5%ни ташкил этади. 1 февралдан бошлаб иш ҳақи 7%га оширилган.

Олий Мажлисга Мурожаатнома асосида тайёрланди.

## Экспертдан сўранг

# Имтиёзли пенсия: аттестация, махсус стаж ва иш куни давомийлиги нормаси

Тиббиёт ходимлари учун пенсияга чиқишда бирор-бир имтиёзлар мавжудми? Улар пенсияни расмийлаштириш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиши лозим? Имтиёзли пенсияга чиқиш учун тиббиёт ходимлари қандай меҳнат шароитларида ишлаган бўлиши керак? Бўлғуси пенсионерлар – тиббиёт ходимларидан келиб тушган бундай саволларга «Norma» МЧЖ эксперти Зафаржон Хўжаев тушунтириш беради.

– **Тиббиёт ходимлари учун имтиёзли пенсия тушунчаси нималардан иборат?**

– Меҳнат фаолияти оғир шароитлар билан боғлиқ бўлган шахслар, шу жумладан тиббиёт ходимлари имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин (*ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган рўйхатлар*). Масалан, рентгенолог шифокорлар, шунингдек шифокорлар ва ўрта тиббий ходимлар, рентген-операция хоналари ва ангиограф, флюорограф, рентген бўлимлари (хоналари) рентген лаборантлари. **Доимий ва бевосита** радиоактив моддалар, шунингдек гамма-терапия қурилмаларида ишлаган ходимлар. Улар **10 йил олдин** пенсияга чиқишлари мумкин (*2-сонли Рўйхатнинг I қисми*).


Бошқа тоифадаги тиббиёт ходимлари **5 йил** олдин пенсияга чиқадиладар. Бу тиббиёт ходими қайси муассасада ишлаганлиги билан боғлиқдир. Булар юқумли касалликлар, сил касалликлари, лепрозория, психиатрик (психоневрологик) даволаш-профилактика муассасалари ва болалар уйлари бўлимлари, турли интернат уйлари, ОИТС ва ВИЧ-инфекциясига чалинган беморларни даволаш учун ихтисослашган бўлимлар ва бошқалар (*3-сонли Рўйхатнинг VIII қисми*).

Бошқа тиббиёт ходимлари – эрақлар 60 ёшда, аёллар 55 ёшда пенсияга чиқадиладар.

– **Поликлиникада деярли 20 йил, ундан 6 йилдан кўпроги рентген хонасида ишланган бўлса, имтиёзли пенсияга чиқишга умид қилса бўладими?**

– Имтиёзли пенсия тайинлашда махсус стаж ҳисобга олинади. Бундай ҳуқуқ 2-сонли Рўйхатнинг I қисмига биноан вужудга келадиган тақдирда, махсус стаж **аёллар учун 7,5 йилни, эрақлар учун 10 йилни ташкил этади**.

Бунда меҳнат шароити ўта оғир ва ўта зарарли ишларда банд бўлган ходимларга (эрақлар – камида 5 йил, аёллар камида 3 йилу 9 ой) Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши шундай ишда банд бўлинган ҳар бир тўлиқ йил учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади.



### Маълумот учун!

Пенсия тайинлаш учун мурожаат қилинган **КУН** барча зарур ҳужжатлар тақдим этилган ёки ариза билан **ТОПШИРИЛГАН КУН** ҳисобланади.

Мавзуйий сояни Алла Ромашко олиб боради.



**МИСОЛ.** 3 йилу 9 ой стажга эга бўлган аёл 52 ёшида, 5 йил стажга эга эркеклар эса 55 ёшида пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3-сонли Рўйхатнинг I қисмига биноан махсус стаж аёллар учун **10 йилни**, эркеклар учун **12,5 йилни** ташкил этиши лозим.

Бунда меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомиди банд бўлган ходимларга (эркеклар камида 6 йилу 3 ой, аёллар камида 5 йил) пенсия Қонуннинг 7-моддасида назарда тутилган пенсия ёши эркекларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йилу 6 оyi учун ва аёлларнинг бундай ишдаги ҳар 2 йили учун 1 йилга қисқартирилган ҳолда тайинланади.

5 йил стажга эга бўлган аёллар 53 ёшида, 6 йилу 3 ой стажга эга эркеклар эса 58 ёшида пенсияга чиқишга ҳақлидир (Қонуннинг 11-моддаси «а» банди, 12-моддаси; Шартлар, 12.03.2012 йилда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқномага 3-илова).

Шу билан бирга, иш жойларини аттестациядан ўтказиш натижалари бўлиши лозим (250-сон ВМҚнинг 2-банди). Бу 2-сонли Рўйхатнинг I қисми ва 3-сонли Рўйхатнинг I қисми қўлланилишига тааллуқлидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 15.09.2014 йилдаги 263-сон қарори билан Меҳнат шароитлари ва усқуналарнинг шикаст етказиш хавфи бўйича иш жойларини аттестациядан ўтказиш тартиби тасдиқланган. Шунингдек бунда Меҳнат шароитларини баҳолаш ва иш жойларини меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш услубиятидан (АВ томонидан 28.05.1996 йилда 247-сон билан рўйхатдан ўтказилган) фойдаланилади.

**– Аттестация ўтказиш талаб этилмайдиган тиббиёт ходимларига пенсия қандай тайинланади?**

– 3-сонли рўйхатнинг VIII қисми бўйича пенсия тайинлаш учун махсус иш стажи қишлоқ жойда **камида 25 йил** ва шаҳарларда **камида 30 йил** бўлиши лозим (Қонуннинг 12-моддаси «л» банди).

Ходимнинг меҳнат фаолиятининг бир қисми қишлоқдаги тиббий муассасаларда, бир қисми эса шаҳарда ўтган тақдирда, иш стажи **камида 30 йил** бўлганда пенсия тайинланади.

**– Иш куни давомийлиги тўғрисидаги ҳужжатни тақдим этиш зарурми?**

– Имтиёзли пенсия олишда қўйиладиган талаблардан бири – тиббиёт ходимлари учун иш вақти давомийлиги нормаси (2337-сон Йўриқнома).

Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги қисқартирилган иш куни белгиланадиган ходимлар рўйхатига (ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 4-илова) мувофиқ қуйидагилар учун иш куни давомийлиги белгиланган:

- тиббиёт ходимлари – бир кунда 5,5 соат;
- гамма-терапияда ва рентген диагностикаси хоналарида банд бўлган ходимлар – бир кунда 5 соат;
- радиоманипуляция кабинетларида ва лабораторияларида гамма-препаратлар билан ишловчилар – бир кунда 4 соат.

**МИСОЛ.** Шифокор қишлоқ жойда 25 йил ишлаган, ундан 15 йилда иш вақти давомийлиги нормаларига доир талабларга риоя этилган, яъни бир кунда 5,5 соат ва ундан ортиқ, 10 йилда эса бир кунда 5,5 соатдан кам ишланган. Теглишича, махсус иш стажи 15 йилни ташкил этади, бундай ҳолатда у имтиёзли пенсия таъминотига ҳақли бўлмайди.



Бундан ташқари, имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган тиббиёт ходимлари (2-сонли Рўйхатнинг I қисми) қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этадилар:

- ёрдамчи материаллар харажати нормалари, лимит карталари;
- муайян иш участкасига бириктирилганлиги тўғрисидаги буйруқ;
- радиоактив манбаларни бериш журнали;
- лавозим (иш) йўриқномалари;
- индивидуал дозиметрик назорат журнали (нурланиш юкмасини ҳисобга олиш журнали).

Юқорида келтирилганларга қўшимча сифатида айтиш кераки, бу тоифадаги тиббиёт ходимлари яна қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатларни ҳам тақдим этишлари лозим:

- махсус иш стажы;
- иш вақти давомийлиги нормаларига доир талабларни риоя этилганлиги.

Бизга ёзган экансиз

## Пенсия олинмай қолганда



*Бувимнинг пенсиясини олишга ишончномам бор. Бирга яшаганмиз. Яқинда бувим вафот этганлиги туфайли пенсияси олинмай қолиб кетди.*

*Пенсияни олсам бўладими? Оладиган бўлсам, нималар қилишим керак?*

– Пенсия олиши лозим бўлган ва унинг вафоти муносабати билан олинмай қолган пенсия пули мерос таркибига киритилмасдан боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминландиган шахслар («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 19, 20-моддалари) доирасига кирувчи оила аъзоларига тўланади. Ота-онаси, эри (хотини), шунингдек пенсионер билан у вафот этган қонунга биргалликда яшаб турган оила аъзолари бу пулни, улар боқувчисини йўқотганлик пенсияси билан таъминландиганлар доирасига кирма-

ганлари тақдирда ҳам олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Пенсионер вафот этган ой учун олинмай қолган пенсия пули кўрсатиб ўтилган оила аъзоларига ойнинг у вафот топгунга қадар ўтган кунлари учун тўланади.

Оиланинг бир неча аъзоси мурожаат этган тақдирда пенсиянинг уларга тегишли суммаси уларнинг ўртасида тенг тақсимланади.

Пенсионер вафот этганидан кейин 60 кун ичида яшаш жойингиздаги Пенсия жамғармасининг бўлимига мурожаат этишингиз лозим (Қонуннинг 63-моддаси).

## Пенсия ёки нафақа



*Амаким 50 ёшда. Касал бўлганидан кейин унга II гуруҳ ногиронлиги белгиланди. У шу муносабат билан пенсияга чиқиши мумкинми?*

– Пенсия тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ куйидаги 3 турдаги пенсия мавжуд: ёшга доир, ногиронлик бўйича ва боқувчисини йўқотганлик пенсиялари.

II гуруҳ ногиронлиги белгиланганлиги муносабати

билан ҳамда иш стажы мавжуд бўлган тақдирда, у ногиронлик бўйича пенсияга чиқишга ҳақлидир. Иш стажы мавжуд бўлмаганда, ногиронлик бўйича нафақа тайинланади.

## Стажни тасдиқлаш




*Яқинда пенсияга чиқаман. Меҳнат дафтарчамада ташкилотлардан бирида ишлаган даврим ёзилишида хатоликка йўл қўйилган. Мазкур стаж ҳисобга олинмаслигини айтдилар.*

*Ушбу ёзувни тасдиқлаш учун қандай ҳужжатларни тақдим этишим лозим?*

– Меҳнат дафтарчаси мавжуд бўлмаганда, шунингдек меҳнат дафтарчасида зарур ёзувлар бўлмаган ёки меҳнат фаолияти даврлари тўғрисида нотўғри ва ноаниқ ёзувлар мавжуд бўлган ҳолларда, иш стажини тасдиқлаш учун (банд шахснинг иш стажидан ташқари) маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, шахсий ҳисобва-рақлари ва иш ҳақи бериш учун ведомостлар, меҳнат шартномалари (контрактлар), архив маълумотномалари ва меҳнат фаолияти даврлари тўғрисидаги

маълумотлар мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади (Низомнинг 59-банди, ВМнинг 8.09.2011 йил-даги 252-сон қарорига 1-қлова).



### Маълумот учун!

Пенсия МИҚДОРИ иш стажы давомийлигига боғлиқ бўлади ва куйидагилардан ҲИСОБЛАНДИ:

- > базавий пенсия миқдори;
- > иш стажы учун пенсия оширилиши;
- > пенсияга устама ҳақлар.

Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.

## Имтиёзли пенсияга бўлган ҳуқуқ

**?** Газ қуйиш шохобчаси ходими пенсияга чиқаяпти. Унинг иш стажининг бир қисмини ўриндошликдаги ишлар ташкил этади, яъни у бир вақтнинг ўзида заводда ва ёқилғи қуйиш шохобчасида ишлаган. У асосий иш жойидан бўшаб, ёқилғи қуйиш шохобчасига доимий ишга ўтган. Шу ердан пенсияга чиқаяпти. Заводда ҳам, шохобчада ҳам у зарарли шароитда ишлаганлиги (14257 – компрессор қурилмаси машинисти) сабабли имтиёзли пенсияга чиқишга ҳақлидир. Пенсия жамғармаси бўлимида бундай имконият йўқлигини айтишган. У ўриндошликда ишлаганлиги сабаб қилиб кўрсатилган. Улар тўғри айтишганими, тушунтириш берсангиз.

– Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатларида назарда тутилган ишларни бажариш билан банд бўлган ходимлар (ВМнинг 12.05.1994 йилдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган) тўлиқ иш куни давомида банд бўлганларида имтиёзли шартларда ёшга доир пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Тўлиқ иш куни давомида бандлик деганда рўйхатларда назарда тутилган ишларни тегишли ишлаб чиқариш тармоқларида, иш вақти аттестациясига мос келувчи шартларда, қонунчилик билан белгиланган иш вақтининг камиди 80% билан банд бўлиш тушунилади.

Ушбу мослик ташкилотларда иш ўринларининг аттестацияси натижалари билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда тасдиқланиши лозим (АВ томонидан 12.03.2012 йилда 2337-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиқиладиган бўлса, ходим заводда ҳам, газ қуйиш шохобчасида ҳам компрессор қурилмаси машинисти (250-сон ВМҚ билан тасдиқланган 3-сонли Рўйхат бўйича коди – 14257) касбида ишлаган. Тегишинча, ушбу касб бўйича қанча

ташкилотда ишлашдан қатъи назар, унинг иши тўлиқ иш куни мобайнида давом этган.

Бироқ ходим имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқини олиш учун Пенсия жамғармаси бўлимига иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижаларини, шунингдек 2 та ташкилот бўйича бирийўла имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқи тўғрисидаги аниқлаштирувчи маълумотномани тақдим этиши лозим.



## Бадаллар тўланган, иш ҳақи олинган

**?** Пенсия тайинлаш чоғида хусусий ўқув марказида ишлаган даврим меҳнат стажимга қўшиладими?

– Пенсияни ҳисоблаш учун стажнинг ҳисобга олиниши ташкилот шакли ва фаолият турига эмас, балки бошқа жиҳатларга боғлиқ бўлади, хусусан, Қонуннинг 37-моддаси «а» бандига мувофиқ қуйидаги ҳолатларда ишланган давр иш стажига қўшилади:

➢ 2019 йил 1 январга қадар бўлган давр учун – фаолият тури, мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклларида

қатъи назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса;

➢ 2019 йил 1 январдан кейинги давр учун – ходим томонидан бажарилган ҳар қандай иш, агар меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар ҳисобланган бўлса.

### Маълумот учун!

**ИШ СТАЖИ ТўЛИҚ БўЛМАГАНДА, мавжуд СТАЖГА МУТАНОСИБ РАВИШДА ПЕНСИЯ** ҳисобланади.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.

## Нафақа ва кредитга имтиёзлар

**?** Оилада болаликдан ногирон шахс бўлса, унга давлат томонидан қандай имтиёзлар берилиши лозим?

*Квартира олса бўлади, деб эшитдик, аслида қандай?*

– Болаликдан ногирон шахс нафақа олишга ҳақлидир. Нафақа 16 ёшгача тўланади. 16 ёшга тўлгандан кейин у болагидан I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб эътироф этилган тақдирда нафақа тўланади (*Низомнинг 13-банди, ВМнинг 7.04.2011 йилдаги 107-сон қарорига 1-илова*).

Бундан ташқари, кўриш қобилияти бўйича I гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс ПХБМнинг 45%и миқдоридан ойлик компенсация пул тўловларини олишга ҳақли ҳи-

сбланади (*30.12.2010 йилдаги 2175-сон Йўриқнома*).

Қонун ҳужжатларида болаликдан ногирон аъзоси бўлган оилага бепул асосда квартира ажратилиши назарда тутилмаган. Бироқ бундай ногиронлиги бўлган шахслар уй-жой шароитларини яхшилаш учун имтиёзли ипотека кредитини олишга ҳақли ҳисобланади (*ВМнинг 16.01.2017 йилдаги 14-сон қарори*). Ушбу масала юзасидан маҳаллий ҳокимиятга мурожаат қилиш лозим.



## Хорижда тўпланган стаж

**?** Узоқ йиллар давомида Эстонияда яшадим ва ишладим. Ҳозир Ўзбекистонда яшайман. Фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномасига эгаман.

*Ўзбекистонда пенсия билан таъминлашлари мумкинми? Эстониядаги ишлаган даврим иш стажига киритиладими?*

– Пенсия билан таъминлашлари мумкин, чунки Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда пенсия олиш ҳуқуқига эгадирлар (*Қонуннинг 1-моддаси*).

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар фуқароларининг пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисидаги битимга (*Москва, 13.03.1992 йил*) мувофиқ собиқ СССР ҳудудда ишланган давр Битим кучга киргунигача бўлган давр учун, яъни 1992 йил 13 мартгача иш стажига қўшилади.

Мурожаатингизда Ўзбекистонда иш стажингиз мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги ҳамда чегарадан ташқарида – Эстонияда қанча ишлаганлигингизни аниқ айтмагансиз. Шунини таъкидлаш жонзори, Ўзбекистонда доимий яшайдиган хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга чет элдаги иш стажига, агар халқаро шартномаларда ўзгача

ҳол назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасидаги ишга тўғри келадиган стажнинг 1/3 қисмидан ортқ бўлмаган доирада киритилади (*252-сон Низомнинг 49-банди*).



Зафаржон Хўжаев, «Norma» МЧЖ эксперти.

### Маълумот учун!

Офицерлар таркибидан бўлган шахсларнинг, прапоршчикларнинг, мичманларнинг ва муддатдан ташқари хизмат ҳарбий хизматчиларининг хотинлари, уларни ишга жойлаштириш **ИМКОНИАТИ БЎЛМАГАН** жойларда эрлари билан яшаган вақт, лекин 10 йилдан ошмаган давр стажга **ҚЎШИЛАДИ**.

Мавзуйий сонни Алла Ромашко олиб боради.



Буни билган яхши

## Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижтимоий нафақа тайинланади ва тўланади. Нафақа 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга, болани 2 ёшга тўлгунга қадар парваришлаш бўйича аёлларга тайинланади. Шунингдек кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўланади.

Нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, шунингдек маҳалла фуқаролар йиғини ёки фуқаролар йиғини томонидан ваколат берилган комиссия томонидан қабул қилинади.

Фуқаролар йиғини томонидан эҳтиёжманд деб эътироф этилган оила нафақа ёки моддий ёрдамнинг фақат бир турини олиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори БҲМнинг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади.

Қуйидагилар ижтимоий ёрдам олишда устунлик ҳуқуқига эга:

- ота-онасининг иккисини ҳам йўқотган, болалар тарбияси билан эса қариндошлар шугулланаётган оилалар;
- ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ҳам ногирон бўлган оилалар;

- 14 ёшгача бўлган икки ва ундан ортиқ болаларни тарбиялаётган, бошқа қариндошлардан алоҳида яшаётган бева аёллар (бева эрлар);

- ногирон боласи (болалари) бўлган оилалар;

- болани (болаларни) тўлиқ бўлмаган оилада тарбиялаётган оналар (оталар). Бунда боланинг амалда тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланишини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи белгилайди;

- ота-оналардан бири ёки ҳар иккиси ишсиз бўлган ва иш изловчи сифатида бандликка кўмаклашиш марказларида ҳисобда турган оилалар;

- ёлғиз пенсионерлар.

Нафақа ва моддий ёрдам ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилинган оининг кейинги ойдан бошлаб тўланади.

Нафақа олиш учун доимий яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига мурожаат қилиш лозим.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

- оиланинг таркиби ва даромадлари тўғрисидаги маълумотлар;

- болаларнинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномалари нусхалари;



- васийлик ва ҳомийлик органининг қароридан кўчирма.

Ариза берувчининг хоҳишига кўра оиланинг эҳтиёжмандлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Оила аъзосига тўғри келадиган ўртача ойлик жами даромад нафақа ёки моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилинган ойдан олдинги охириги 3 ой учун ҳисоблаб чиқилган оиланинг меҳнатга лаёқатли ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик даромади суммасини оила таркибига киритиладиган оила аъзолари сонига бўлинган ҳолда аниқланади.

Нафақа тайинлаш ёки уни тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор фуқаролар йиғини (комиссия) томонидан очиқ овоз бериш йўли билан қабул қилинади.

Тегишли нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилган тақдирда, ариза берувчига фуқаролар йиғинида (комиссия йиғилишида) рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда маълум қилинади, бу тўғрида баённомада қайд этилади.

Тайинланган, ammo ўз вақтида тўланмаган болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам ўтган давр учун бир вақтнинг ўзида тўлиқ миқдорда тўланади.

*Маевуви сонни Алла Ромашко олиб боради.*

Хорижда қандай

## Жамғарма бирийўла, лекин камроқ тўланади

РФ Молия вазирлиги ва Марказий банки жамғариб бориладиган пенсия тизимининг янги варианты – кафолатланган пенсия режаси (КПР) тўғрисидаги қонун лойиҳасини такомиллаштириш устида иш олиб боришмоқда.

КПР тузилишига кирганлар учун пул маблағларини олишнинг 2 варианты таклиф этилмоқда – пенсия режасини кўп йиллар давомида тўлаш орқали олиш (бу одамлар бирийўла олинган суммани бирданга сарфлаб қўймасликлари учун асосий пенсияга қўшимча тўлов тарзида олишлари назарда тутилган ўзига ҳечқовдир) ёки ЖШДС тўлаган ҳолда жамғармани бирийўла олиш.

Бунда назарда тутилган вариантга кўра КПР тизимдан чиқиш учун тўлов дастлаб белгиланган тўловдан камроқ бўлиши мумкин. Ушбу масаланинг моҳияти шундаки, ЖШДС КПР тизимда шаклланган жами олинган суммадан ундириладими ёки фақат инвестиция даромадидани масала шу ерда.

«Айтилик, КПР тизимида миллион рубль жамғарилган, ундан 200 минг – инвестиция даромадидир. Биринчи вариантда маблағларни бирийўла олинганда 130 минг рубль, иккинчи вариантда эса 26 минг рубль, яъни жамғарилган суммасининг 2,6%и тўланади», – деб мисол келтиради РФ Миллий рейтинг агентлиги (МРА) молия институтлари рейтинг директори Юрий Ногин.

Экспертларнинг ҳисоблашича, жами жамғарилган суммага ЖШДС ҳисобланиши янги тизим нуфузига путур етказиши мумкин. Шу боис фуқароларнинг йўқотишлари камроқ бўладиган иккинчи вариант мақбул келади, бироқ уни қўллашда муайян мураккабликлар бўлиши мумкин. Масалан, қанчадир вақтга КПР зарарига ишласа ёки жамғармани алмаштириш рўй берса, бу охир-оқибат



соф даромадни аниқлашда муаммоларни келтириб чиқаради.

Солиқ солишнинг қайси варианты танланиши ҳали аниқ эмас. РФ Молия вазирлиги ва МБ нодавлат пенсия таъминотининг янги тизими КПРни ўтган йил октябрь охирида тақдим этилган эди. Қонун лойиҳасининг янги таҳрири февралда эълон қилинади, тизимнинг ўзи 2022 йилдан ишга туширилади.

## Пенсионерлар сони камайди

Ўтган йил яқунларига кўра миллиондан ортиқ пенсия тайинланган, улардан 830 000 таси ёшга доир пенсия эди. Бироқ пенсияга чиққанлар сони пенсия ёши оширилганда пенсияга чиқиши мумкин бўлганларга нисбатан тахминан 355 минг кишига кам бўлди.

Россия Пенсия жамғармаси раҳбари Антон Дроздовнинг таъкидлашича, 2020 йилда 800 минг киши пенсияга чиқиши кейинга қолдирилади, бироқ бу ортиб борувчи яқун билан, яъни 2019 йилда пенсияга чиқиши кейинга сурилганларни ҳисобга олган ҳолдаги натижадир.


Муддатидан олдин пенсияга чиқадиганлар сони кўпаяди. Улар пенсияга чиқадиганлар сонидан тахминан чорагини ташкил этади. Пенсионерлар умумий сонининг 14,6%и меҳнат шароити зарарли ва хавфли бўлган ишларда банд

бўлганлар, 5%и – Шимолда ишловчилар, 2,5%и – тиббиёт ходимлари ва педагоглар.

«Кейинги йилларда муддатидан олдин пенсияга чиқадиганлар сони ошиши кутилмоқда – хусусан, кўп болали оналар ҳисобига шундай бўлади. 2021 йилдан бошлаб тўрт ва ундан кўп болалари бўлган оналар 56 ёшдан пенсияга чиқадилар. 2023 йилдан бошлаб эса учта боласи бор оналар 57 ёшдан пенсияга чиқадилар», – деб давом эттирди у.

Манба: «РГ-Неделя».

*Маъзувий сонни Алла Ромашко олиб боради.*



## Томонлар келишувига кўра ҳам мумкин эмас

Қонун ҳужжатларида ходимнинг хоҳишига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 2 ҳафталик огоҳлантириш мuddати белгиланган (МКнинг 99-моддаси). Бироқ корхонадаги меҳнат шартномасида ходим ўз хоҳишига кўра ишдан бўшамоқчи эканлиги ҳақидаги аризани 1 ой олдин бериши лозимлиги қайд этилган. Ўз навбатида ходим ишдан бўшаш ҳақидаги аризани ёзган ва Меҳнат кодекси бўйича ариза 2 ҳафта олдин тақдим этилиши кераклигини айтган.

Томонларнинг келишувига кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги 2 ҳафталик огоҳлантириш мuddатини узайтириш мумкинми?

– Йўқ, мумкин эмас.

Иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинишида огоҳлантириш мuddатини ошириш ноқонуний ҳисобланади. Огоҳлантириш мuddатини фақат ходим ва иш берувчи ўртасидаги келишувга кўра, улар иш фаолиятини давом эттиришининг имкони бўлмаган ҳолатларда

қисқартириш мумкин (МКнинг 99-моддаси 1, 2, 5-қисмлари). Корхонанинг ички ҳужжатларида мuddатни ошириш назарда тутилмайди ва томонларнинг келишувига кўра ҳам бунга йўл қўйилмайди (АВ томонидан 14.06.1999 йилда 746-сон билан рўйхатдан ўтказилган Намунавий қоидаларнинг 2.24-банди).

## Тўлиқ бўлиши учун

Ўриндошнинг меҳнат шартномасини ЯММТ электрон тизимида рўйхатдан ўтказиш лозимми?

– Ҳа, рўйхатдан ўтказиш лозим.

Ягона миллий меҳнат тизимида (ЯММТ) асосий ёки ўриндошлиқдаги иш жойи бўйича ишга қабул қилинганлигидан қатъи назар, барча ходимлар билан меҳнат шартномалари тузилади.

Нафақат электрон меҳнат дафтарчасини шакллантириш мақсадида, балки куйидагилар учун ҳам ЯММТда меҳнат шартномаларини рўйхатдан ўтказиш талаб этилади:

➢ иш берувчиларнинг тузилмаси (штатлар жадвали), шу жумладан, мавжуд ва яратиладиган иш ўринлари, меҳнат шароитлари, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

➢ меҳнат бозори кўрсаткичлари ҳолати ва динамикаси тўғрисидаги ахборотлардан иборат маълумотларни идоралараро тизимлаштириш

ган тарзда ва мунтазам равишда электрон аламинишни жорий этиш;

➢ ходимлар ҳамда ишчиларнинг сон ва сифат таркиби, вакансиялар, шунингдек, ишга жойлашиш учун номзодларга иш берувчилар томонидан қўйиладиган малакавий ва бошқа талаблар тўғрисида автоматик тарзда тўпланадиган ҳолис, шаффоф ва долзарб маълумотларни шакллантириш (31.10.2019 йилдаги ПҚ-4502-сон қарорининг 1-банди).

Ўриндошларни рўйхатдан ўтказмай туриб, корхонада фаолият юритаётган ходимлар ва бўш иш ўринлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш имконсиздир.

Меҳнат шартномасини ЯММТда рўйхатдан ўтказишда шартнома шартларини, шу жумладан бандлик турини киритиш назарда тутилган (Схема, ВМнинг 5.12.2019 йилдаги 971-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 1-илова).

## Ўриндошлиқдан – асосий ишга

Ўриндошлиқда ишлаётган ташкилот ходими асосий ишга ўтказилаяпти.

Бунинг учун уни асосий иш жойи бўйича ўз лавозимига қайта расмийлаштириш тўғрисидаги буйруқни чиқаришнинг ўзи етарли бўладими? Ёки уни ишдан бўшатиб, кейин асосий ишга қабул қилиш керакми?

– Иккала вариантни ҳам қўллаш мумкин.

1 Кўшимча келишув тузилган ҳолда меҳнат шартномаси шартлари ўзгартирилади. Бунда ходимда асосий ишга ўтилган санадан қатъи назар, таътиллار жадвалига мувофиқ навбатдаги меҳнат таътилидан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

2 Ўриндошлиқ бўйича меҳнат шартномаси бекор қилиниб, асосий иш жойи бўйича бошқаси тузилади. Мазкур ҳолатда фойдаланилмаган барча меҳнат таътиллари учун компенсация тўланган ҳолда тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади ёки фойдаланилган, бироқ ишлаб



берилмаган таътил кунлари учун маблағ ушлаб қолинади (МКнинг 151, 164-моддалари).

Асосий иш жойи бўйича янги меҳнат шартномасини тузишда ходим меҳнат шартномаси тузилган кундан эътиборан 6 ой ўтгач дастлабки меҳнат таътилига чиқишга ҳақли бўлади (МКнинг 143-моддаси).

## Меҳнат шартномаси тўғри тузилмаган

Меҳнат шартномасида ходимга нормал бўлмаган иш куни белгиланганлиги назарда тутилган. Шунингдек зарурат туғилганда ёки фармойишга биноан, у нормал иш куни давомийлиги чегараларидан чиққан ҳолда ўз меҳнат мажбуриятларини бажаришни зиммасига олиши ҳақида келишиб олинган.

26.08.2019 йилдан 20.10.2019 йилгача иш берувчининг кўрсатмаларига биноан ходим ҳар куни дам олишларсиз ва байрам кунларида ҳам ўрта ҳисобда 11 соатдан ишга жалб этилган. 56 кун ишлаган. 5 кунлик иш ҳафтасидан келиб чиққан ҳолда дам олиш ва байрам кунлари ҳисобга олинмасдан ҳақ тўланган.

Иш берувчининг меҳнат шартномасига нормаллаштирилмаган иш куни тўғрисида шарт киритиши, шунингдек иш вақтидан ташқари ишланган вақт учун ҳақ тўламаслиги тўғрими?

– Меҳнат шартномаси тузилишидан бошлаб иш берувчининг ҳаракатлари ноқонуний ҳисобланади.

Қонун ҳужжатларида нормаллаштирилмаган иш куни назарда тутилмаган. Меҳнат шартномаси аввалбошдан ноқонуний тарзда тузилган.

Ходимлар учун нормал иш вақти давомийлиги ҳафтасига 40 соатдан (МКнинг 115-моддаси), ёки 5 кунлик иш ҳафтасида бир кунда 8 соатдан ошмаслиги лозим.

2019 йил 26 августдан 20 октябргача бўлган даврда (календарь бўйича 56 кун) ходим куйидагича ишлаши керак эди:

➢ августда (26.08 дан бошлаб) – 5 иш куни – 40 соат;  
➢ сентябрда – 20 иш куни – Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасидаги тўлиқ бўлмаган иш кунини ҳисобга олган ҳолда 159 соат;

➢ октябрда (20.10 гача) – 13 иш куни – 104 соат;  
➢ жами – 38 иш куни – 303 соат.

Шу тариқа, ходим 18 кун, тахминан 313 соат ортиқча ишлаган, бу иш вақтидан ташқари ишлаш ҳисобланади. Ушбу рақамлар ходимни иш вақтидан ташқари ишга жалб этишнинг чекланган мuddати – бир йилда 120 соатдан ҳам ошади (МКнинг 125-моддаси).

Ходим учун белгиланган кундалик иш мuddатидан ташқари ишлаш иш вақтидан ташқари иш деб ҳисобланади (МКнинг 124-моддаси):

➢ нормал иш вақти давомийлиги белгиланган ходимлар учун – ҳисобга олинадиган давр Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тасдиқланган иш вақти нормасидан келиб чиққан ҳолда;

➢ алоҳида нормали иш вақти давомийлиги белгиланган ходимлар учун (нормал нормадан кам) – меҳнат шартномасида ходимлар учун белгиланган иш вақти давомийлигидан келиб чиққан ҳолда.

Иш вақтидан ташқари ишланган вақт учу икки барабардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Ходимнинг хоҳишига кўра ортиқча ишланган вақт ортиқча ишланган иш соатларига мутаносиб равишда дам олиш куни бериш билан компенсацияланиши мумкин. Мазкур ҳолатда камида бир барабар миқдорда ҳақ тўланади.

Иш берувчи дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик учун икки барабар, тунги вақтда ишлаганлик учун бир ярим барабардан кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўлаши лозим (МКнинг 157, 158-моддалари).

Бундай вазиятда ходимга ўз меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун меҳнат инспекциясига ёки судга мурожаат қилиб, муаммони ҳал этиш тавсия этилади (МКнинг 259-270, 275, 280-моддалари).

Реклама

«СОЛИҚЛАР: САВОЛЛАР ВА ЖАВОБЛАР»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани,  
Талтимаржон кўч., 1/1. Тел: (71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

## Давлат реестрида рўйхатдан ўтиш шарт

*Корхона аудит ўтказиб, «Халол» сертификатини олишни режалаштирмоқда. Аудит чет эл компанияси томонидан ўтказилади. Сертификат асосида корхона ўз маҳсулотини «Халол» мувофиқлик белгиси билан маркировка қилади.*

*Чет эл компанияси томонидан берилган сертификат ва «Халол» мувофиқлик белгиси эътироф этилиши талаб қилинадими?*

– Давлат реестрида рўйхатдан ўтказилмаган мувофиқлик сертификатлари ва белгилари ҳақиқий эмас.

«Ўзстандарт» сертификатлаштириш бўйича миллий орган ҳисобланади. Маҳсулотларни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган органлар миллий мувофиқлик сертификатларини расмийлаштирадилар, берадилар ёки чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этадилар («Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси). Кўрилатган вазиятда импорт қилинадиган маҳсулот учун олинган чет эл мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш хусусида бормоқда. Сертификатлаштириш органи эътироф этиш тўғрисида битим тузилган МДХ мамлакатларидан ва узоқ хорижий мамлакатлардан олиб келинадиган маҳсулотга сертификатларни эътироф эта олади. Экспорт қилувчи мамлакатнинг Миллий сертификатлаштириш тизимига

берилган мувофиқлик сертификатини эътироф этиш уни импорт қилувчи мамлакатнинг мувофиқлик сертификатига қайта расмийлаштириш ва Ягона давлат реестрига киритиш йўли билан амалга оширилади (Низомнинг 30, 32-бандлари, ВМнинг 6.07.2004 йилдаги 318-сон қарорига 1-илова).

Мувофиқлик сертификатлари ва белгилари, сертификатлаштириш органларининг аккредитация қилинганлик тўғрисидаги гувоҳномалари Давлат реестридан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган бўлса, улар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (Қонуннинг 7-моддаси).

Шу тариқа, республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотга мувофиқлик сертификати ва белгисини «Ўзстандарт» агентлиги ёки маҳсулотни сертификатлаштиришга аккредитация қилинган орган беради. Ўзбекистонда аккредитация қилинмаган хорижий аудиторлик компанияси томонидан берилган гувоҳнома ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

## Лицензия керак эмас

*Корхона чакана савдо билан шуғулланади. Товарлар аҳолига кредитга берилади.*

*Корхона улгуржи савдога лицензияси бўлмаган ҳолда пул ўтказиш йўли билан юридик шахсга товар сота оладими?*

– Ҳа, сота олади.

1.01.2019 йилдан бошлаб улгуржи савдони амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш бекор қилинган муносабати билан (Президентнинг 30.10.2018 йилдаги ПФ-5564-сон Фармони 1-бандининг «а» кичик банди) чакана савдо корхоналари учун товар айланмасининг 10 фоизидан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш бўйича товарлар сотилишига доир чеклов ҳам бекор қилинди (ВМнинг 8.03.2019 йилдаги 201-сон қарорига 1-илова). Шу тариқа, сиз нақд пулсиз ҳисоб-китоб билан бошқа юридик шахсга товар сотиш ҳуқуқига эгасиз.

Наргиза ВОҲИДОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

Реклама

**«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН/БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таппимаржон кўч., 1/1.  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

## 12 йил ўтгач...

*Жиноят ишлари бўйича суднинг 2005 йилдаги ҳукмига кўра ташкилот фойдасига бир гуруҳ шахслардан зарар суммасини солидар тартибда ундириш керак эди. Ҳукмга биноан фуқаро А. судланган ва жазони ўтган, ташкилот ҳисобига қисман тўловлар амалга оширилган. 2008 йилда унга нисбатан суд ижрочиларининг қарори билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонун 40-моддасининг 4-бандига биноан ижро иши юртиши тўхтатилган. Ҳозирги вақтда А. яна ишга тушиб кетган.*

*12 йил ўтгандан кейин фуқаро А. га нисбатан ижро иши юртишни қайта тиклаш мумкинми?*

– Баён этилган вазиятдан келиб чиқилганда қарздорда ундирувчи қаратиш мумкин бўлган мол-мулк ёки даромадлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли ижро варақаси қайтариб берилган. Суд ижросини томонидан мол-мулкни ёки даромадларни қидириб топилганга доир қабул қилинган чоралар натижасиз қолган (2008 йилги таҳрирдаги «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 40-моддаси 1-қисми 4-банди).

Ижро ҳужжатининг ундирувчига қайтарилиши мазкур ҳужжатни ҳисоблаб чиқариладиган муддат доирасида янгидан ижрога топшириш учун тўсиқ бўлмади, фақат у топшириш муддати-

дан ўтиб кетмаслиги керак. Жиний судларнинг суд ҳужжатлари асосида бериладиган ижро варақалари суд ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб 3 йил мобайнида ижрога топширилиши мумкин (Қонуннинг 27-моддаси 1-қисми 1-банди, 40-моддасининг 4-қисми).

Лекин муддатни ўтказиб юборган ундирувчи судга ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза билан муурожаат қилишга ҳақлидир. Бошқа ижро ҳужжатлари бўйича ўтказиб юборилган муддатлар тикланмайди (Қонуннинг 29-моддаси 2-қисми).

Павел Сильнов,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

## Товарни қандай қайтариш мумкин

*Ўтказиб берувчидан олди-сотди шартномасининг умумий суммаси – 1 000 000 000 донга товар учун 100 000 000 сўмни ташкил қилади. Бир ой ўтгандан кейин бошқа ташкилотдан 100 000 000 сўмга 1 500 000 донга олинган худди шу товарга ўхшаш товарни қайтаришга қарор қилдик.*

*Ўтказиб берувчига товарни шу тарзда қайтариб бериш мумкинми?*

– Товар учун ҳисоб-китобни олди-сотди шартномасига биноан худди шунга ўхшаш товарни бериш йўли билан амалга ошириш бартер деб баҳоланиши мумкин. Ўзбекистон доирасида маҳсулот ўтказиб бериш тўғрисида мавоза (бартер) асосидаги шартномалар тузиш тақиқланган (Президентнинг 9.08.1996 йилдаги ПФ-1504-сон Фармони).

Мазкур вазиятда масалани ҳал этишнинг қуйидаги ечимини кўриб чиқишингизни тавсия қиламиз. Харидор сотувчи билан унда бор бўлган ўхшаш товарнинг олди-сотди шартномасини тузиши мумкин. Шу тариқа, ҳар икки

томонда товар ҳақини тўлаш бўйича мажбурият вужудга келади. Ҳар иккала шартнома бўйича сумма бир хил бўлганлиги сабабли мажбуриятни муқобил ўхшаш талабларни ҳисобга ўтказиш билан бекор қилса бўлади. Муқобил ўхшаш талабларни ҳисобга ўтказиш – бу субъектларнинг мажбуриятлари бекор қилиниши тўғрисидаги ҳуқуқий муносабатлар бўлиб, бунда кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг сўндирилиши ўзаро амалга оширилади (ФКнинг 343-345-моддалари).

Саодат Хилватова,  
«Norma» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета  
**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**  
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.  
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таппимаржон кўч., 1/1,  
Таҳририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz,  
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
ўтказиб бериш ва харид қилиш масалалари  
бўйича (71) 200-00-30;

«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОРПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 2 босма тўбон, Бэхоси келишилган нархда.  
Буюртма г-222. Адади 690. Газета 2020 йил 24 февраль соат 15.00 да топширилди.